



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 октябр, чоршанба № 151 (798)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Э.Р. Шоисматовни Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги этиб тайинлаш тўғрисида
Эргаш Раҳматуллаевич Шоисматов Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ


Тошкент шаҳри, 1999 йил 26 октябр

Мустақиллик шарофати тўғрисида Ўзбекистон ва унинг қонунлари жаҳон нигоҳида. Бундан чўқур аниқлашган сайловчиларимиз ана шу қонунларимизга хорижий экспертлар қандай баҳо бераётганликлари хусусида мақолалар беришни илтимос қилишган. Зеро, Марказий сайлов комиссияси ахборотномасининг 2-сонида мазкур мавзуда бағоят эътиборли чиқиш қилинган.

«Ахборотнома»нинг биринчи сонида хабар берилганидек, «Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» («Вестник Центральной избирательной комиссии Российской Федерации»)нинг 1999 йил 2-сонида «Хорижда сайловлар» рунки остида «Ўзбекистон Республикаси

лаётган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари дунёнинг нигоҳида. Ҳар бир қонунимиз хорижлик экспертлар томонидан ҳам пухта ўрганилади, таҳлил этилади. Ва, албатта, улар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб борадилар. «Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси»да ёритилган «Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлис учун сайловлар биринчи марта муқобиллик, куп партиявийлик асосида бўлиб ўтди. Худди ўша кунлари сайлов тизимининг демократик механизмлари фаол ишга тушиб кетди. Одамлар ўз келажаklarини куриш, давлат бошқарув органларини шакллантириш учун овоз бериш ва ниҳоят конституциявий ҳуқуқ ҳамда бурчларини адо этиш мақсадида сайлов кутилари ёнига келдилар. Орадан саккиз йил ўтиб, Ўзбекистон ўз сайлов тизими ва қонун билан ҳимоя қилинган сайлов ҳуқуқларига эга



Бугун «Шўртангазкимё» мажмуида иш қизғин. Марказий Осиёда ягона бўлган бу улкан иншоотда минглаб курувчилар кечакундуз ишлашмоқда. Ўнлаб қурилиш ташкилотлари мажмуанинг

«Шўртангазкимё» мажмуи
ўзларига бириктирилган объектларида иш олиб боришяпти. Айнаник, «Қашқадарё-деҳқончилик қурилиш» очик ҳиссадорлик жамияти курувчилари ташкилотлар орасида пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Улар қисқа муддат ичида бир нечта турли объектларни турғалиш заводи маъмурияти ихтиёрига топширишди. Эндиликда мажмуа кундан-кунга қад ростилаб бораёпти. Суратларда: 1. «Қашқадарё-деҳқончилик қурилиш» очик ҳиссадорлик жамияти қу-

рувчиси Муродулло Бобомуродов. 2. «Шўртангазкимё» мажмуи қурилишига қад ростилаб турган иншоотларнинг кўриниши.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ҚОНУНЛАРИМИЗ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

да сайлов ҳуқуқи» сарлаҳали мақола ёритилган эди. Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси девонининг халқро алоқалар бошқармаси маслаҳатчиси И.А.Евланов ва Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси қўшидаги илмий-методик Кенгаши аъзоси, юридик фанлари доктори, ЕХХТ-ДИИХБ эксперти В.И.Лисенколарнинг мазкур мақоласида мустақил Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунларининг ўзига хос жиҳатлари, халқро ҳуқуқ нормаларига, демократик тамойилларга мослиги ва бу қонунлар жаҳондаги бошқа давлатлар учун андоза олишга муносиблиги ҳақида таҳлилий ҳамда мушоҳадалар мулоҳазалари баён қилинган.

касида сайлов ҳуқуқи» сарлаҳали мақола ҳам ана шундай таҳлилий муносабатлардан биридир. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳақида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларга таянган сайлов қонунчилигимизга ҳолисона баҳо берилган. Муаллифлар мазкур қонунларни ҳар томонлама таҳлил этар эканлар, уларнинг жаҳон андозаларига нечоғли мос эканини алоҳида таъкидлайдилар.

бўлганлиги халқнинг асрий оруз-умидлари рўбга чиққанининг ифодасидир. Зотан, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг расмий матбуот нашри «Вестник Центральной избирательной комиссии Российской Федерации»да чоп этилган мақола ҳам бунга яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур мақолада утган йили октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги: уни амалга ошириш механизмлари» мавзусидаги «давралар сўбатининг ўзига хос якуни дейиш мумкин.

Ҳар бир инсон бевоқифа ёки эркинлик билан сайланган вақиллари воситасида ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир... Халқ иродаси ҳуқуқат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим; бу ирода вақти-вақти билан бўлади ва сохталаштирилмаган сайловда ўз аксини топиши, ушбу сайлов умумий ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллари воситасида ўтказилиши керак.

Халқнинг ўз демократик иштирокчиларини сайлов жараёнида фаол қатнашмасдан туриб намоён эти олишини тасаввур этиб бўлмайди. Эндиликда тарихга айланган собиқ шуролар даврида сайловлар моҳирона ўйналадиган «сахнавий томоша»га ўхшарди. Бундай томошаларнинг аччиқ сабоқларини ҳам кўпчилик яхши эслайди. Большевиклар диктатура си шароитида аҳолининг сайлов участкаларига келиши деярли юз фоиз таъминланган эди. Сайловларда қатнашмаслик - моҳир-этибор билан сиёсий муҳолифлик деб баҳоланарди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комиллов бошқарган мазкур йиғилишда Келишув кенгашининг мақсад ва вазифалари, Олий Мажлис депутатлигига сайловларда иштирок этаётган сиёсий партиялар, ҳокимият вақиллик органлари, мустақил номзодлар учун сайловолди тарғибот-ташвиқоти пайтида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароит яратиш борасидаги масалалар атрофича муҳокама қилинди. Уларнинг телевизион, радио ва даврий нашрларда чиқиш вақти, тартиби аниқлаб олинди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси.
Хуқуқий демократик жамиятда қонун устувор бўлмоғи лозим. Саккиз йилдан бун мустақил тараққиёт йулидан одим-

Узбекистон мустақиллиги улуг неъмат эканини барча жаҳонда яққол кўриш мумкин. Жумладан, сайлов соҳасида ҳам. Эндиликда юртимизда бутун дунё тан оладиган ва эъзозлайдиган ҳақиқий демократик қадриятлар тантана қилаётди. Ўзбекистон Республикасида 1991 йилдаги Президент сайлови, 1994 йилда

Узбекистон Республикасидаги Инсон ҳуқуқлари буйича миллий марказ директори Акмал Саидов, ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалар буйича бюроси бошлиги Ганчо Ганчев, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасида Фуқулодда ва Мухтор Элчиси Жозеф Прессел, ЕХХТнинг сайловлар буйича маслаҳатчиси Вадим Жданович «давралар сўбатини» иштирокчиларига қўтулов сузлари билан мурожаат этдилар. (Давоми 2-бетда.) (ЎЗА)

Келишув кенгаши йиғилиши

Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловолди тарғибот-ташвиқоти вақтида оммавий ахборот воситалари ишчи мувофиқлаштирувчи Келишув кенгаши тузиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Мазкур кенгашининг илк йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комиллов бошқарган мазкур йиғилишда Келишув кенгашининг мақсад ва вазифалари, Олий Мажлис депутатлигига сайловларда иштирок этаётган сиёсий партиялар, ҳокимият вақиллик органлари, мустақил номзодлар учун сайловолди тарғибот-ташвиқоти пайтида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароит яратиш борасидаги масалалар атрофича муҳокама қилинди. Уларнинг телевизион, радио ва даврий нашрларда чиқиш вақти, тартиби аниқлаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда сайловларда иштирок этувчи манфаатдор ташкилотларнинг матбуот марказларини ташкил қилиш, курғазмани ташвиқот воситаларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги масалаларга ҳам эътибор қаратилди. (ЎЗА)

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекмузей» жамғармаси ҳамда Америка Қўшма Штатларидаги тадбиркор ва жамоат гуруҳларининг тақдирларини инобатга олиб, 2-12 ноябр кунлари АҚШда «Ўзбекистон маданияти ҳафталиги»ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Ҳозир ана шу муҳим тадбир

мақтуб йўллаб, университет қошидаги археология ва антропология музейи буюк жаҳон цивилизациясини ўрганиш буйича АҚШнинг етакчи марказларидан бири экани, Америка жамоатчилигида қадимий, қизқарли ва бой тарихга, шу билан бирга, катта илмий ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат - Ўзбекистон Республикасига қизиқиш тобора ортиб бораётганини маълум қил-

дай шаклланини курсатиб берилади. «Буюк ипак йўли» курғазмасида намоиш этиш учун Ўзбекистон халқлари тарихи музейидан ганч, темир, бронза даврига оид буюмлар, Давлат санъат музейидан урта асрга доир шойи матолар, хотин-қизлар тақинчоқлари, Самарқанд археология институти қошидаги археология музейидан тош ва бронза даврига тегишли экспонатлар олин-

АҚШда Ўзбекистон маданияти ҳафталиги

қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. АҚШда мамлакатимиз тарихига бағишланган курғазма ташкил этиш гоёси ўтган йили - ўзбек ипак матолари, атлас тарихига бағишланган курғазма намоиш этилган чоғда вужудга келган эди, - дейди «Ўзбекмузей» жамғармаси раҳбари Н.Ҳабибуллаев. - Кўпгина йирик музейларнинг раҳбарлари делегациямиз аъзоларига мурожаат этиб, мамлакатимизнинг кўп минг йиллик тарихига оид курғазма ташкил қилишни таклиф этишди.

Кўп ўтмай, Филадельфиядаги Пенсильвания штати университетининг профессорси, Марказий Осиё буйича дастур директори Фредерик Хиберт давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига

ди. Шу боис Пенсильвания университетининг музейида Ўзбекистон археологияси, шунингдек, замонавий ва миллий унармандчилиги ҳамда тасвирий санъати буйича махсус курғазма ташкил этишга кўмаклашишни суради. Президентимиз бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ўтказилган Маданият ҳафталигида ана шу курғазма асосий уринини эгаллайди. Дастлаб Вашингтондаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасида бронза даврига оид буюмларнинг ва рассомларимиз асарларининг кичик курғазмаси очилади. Сунгра Пенсильвания университетининг Артур Рос галереясида асосий курғазма намоиш этилади. Унда уч минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон давлатчилиги қан-

моқда. Регистон музейидаги тарихимизга доир турли буюмлар ҳам сараланмоқда. Курғазмада «Усто» бирлашмаси ҳамда «Мунаввар» илмий-ишлаб чиқариш маркази усталарининг ранг-баранг асарлари ҳам намоиш этилади. Айна пайтда унда мустақиллигимиз саккиз йили мобайнида қўлга киритилган ютуқларни акс эттирувчи экспонатлар ҳам катта урин эгаллайди. Пировардида шуни ҳам айтиш керакки, асосий курғазма учун Филадельфия танланганлигининг рамзий маъноси бор. Зотан, у АҚШнинг қадимий пойтахти. Бутун Америка ва жаҳон санъатининг маркази. Ўз замонавий, театрлари билан машҳур. Б. МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов шу йил Ўзда Шуртан газ-кимё мажмуи қурилишига буюрган ташири чоғида Ўш курувчилар билан самимий сўхбат қўрган ва уларга, «агар тўйларингизга тақдир қилсанлар, албатта келаман», деган эди. Шундай сўхбатлаш шарафига муассар бўлган йиғилардан бири - Қамати тумани Чим қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳамдам Каримов кучи кеча Юртбошимизни узининг ниҳоят тўйига тақдир этди.

Мамлакатимиз раҳбари оқддий қишлоқ йиғитининг тақдирини эътиборини қолдирмади. Ёш келин-куёвга юртбошимизнинг самимий табриклари ва совғаси етказилди.

А. ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири

Божхоначилар қасамёди

Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежидан биринчи курс талабаларининг божхоначи ва ҳарбий қасамёдиларини қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда талабалар ўз халқига, юртига, Президентига садоқатли бўлишга ҳамда Конституциямиз ва қонунларимизга қатъий риоя этишга қасамёди қилдилар.

Божхона коллежи талабалари халқимизнинг бой аъёнлари, маънавий-маданий меросимизга ҳурмат, Ватанга чекиз садоқат руҳида тарбияланмоқда. Улар ўз соҳалари буйича урта махсус маълумот олиш билан бир қаторда божхона хизмати лейтенанти унвонига ҳам эга бўлади. Маросимда Давлат божхона қўмитаси раиси генерал-майор У.Комиллов сузга чиқиб, талабаларнинг касб маҳоратини пухта эгаллаб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол кадрлар бўлиб етишишида муваффақиятлар тилади. (ЎЗА)

Мақтаб ўқувчилари учун газета

Наманган вилоятда нашр этилаётган газеталар сонин тез орада яна кўпаяди. Вилоят ҳокими мақтаб ўқувчилари учун «Болалар дунёси» газетасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва ёшларнинг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими газетасининг муассисларидир. Янги нашр ташкилотчиларининг фикрига кўра, «Болалар дунёси» бўш газетхоналарни мақтабларда амалга ошириладиган узғаришлар ва янгиликлар тўғрисида шунчаки хабардор қилиб қолмайди. Асосий мақсад болалар ва ўсмирларнинг маънавий-ахлоқий камолотига, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашишдан иборат.

МАҒЛУБИЯТСИЗ ОДИМЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юнусобод спорт мажмуида давом этаётган бокс буйича Осиё чемпионатининг олти вазни тоифасида йиғирмада жуфтлик баҳслари ниҳоясига етди. Яқшанба кунги баҳсларда икки боксчимиз чорак финалга, бири ярим финалга чиққанди. Кеча ҳамюртларимиз тўрт вазн тоифасида қатнашиб, уч нафари чорак финалга, бири ярим финалга чиқишга муассар бўлди.

48 килограмм вазнда Дилшод Йўлдошев нимчорак финалда малайзиялик Сапок Викини тўрт раунд натижасига кўра мағлуб этди. 60 килограмм вазндаги боксчимиз Жўрабек Набиев хитойлик А.Лимусини 3-2 ҳисобида ютди. 63,5 килограммлик боксчилар уртасида 6 та нимчорак финал жанги ўтказилиб, унда юртдошимиз жаҳон чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев жанубий корейлик Ри-Чолни 11-0 ҳисобида доғда қолдирди. Шу вазндаги эронлик Нукриан Анишервон ҳам қувайтлик Ала Адми Сайтин биринчи раунддаёқ нокаутга учратди. Кечаги куннинг энг қизгин беллашуви 91 килограмм вазндаги боксчилар уртасида бўлиб ўтди. Бунда эронлик Хусайни Рўхуллох Қозғистон вакили Ганибек Ажибовни 3 раундда техник нокаут билан енгган бўлса, терма жамоамиз вакили Руслан Чагаев хитойлик Ма



Жингвейни биринчи раунднинг дастлабки дақиқасидаёқ нокаут ҳолатига солиб қўйди. Орадан сал утар-утмас, хитойлик боксчи Русланиннинг кучли зарбаларига дош беролмай, нокаутга учради. Яқшанба кунги баҳсларда битта нокаут ҳолати қайд этилган бўлса, бокс муҳлисари кеча тўртта нокаут ҳолатининг гувоҳи бўлишди. Кечаги учрашувда қозғистонлик боксчилардан тўрт нафари ҳам чорак финалга йўланмани қўлга киритди. Навбатдаги баҳслар чорак финал учун 54, 57, 75, 81 килограмм вазндаги боксчилар уртасида давом этади. «Туркистон-пресс»

Спорт Ироданинг яна бир ғалабаси

Ўзбекистонлик таниқли теннисчи Ирода Тулаганова Жанубий Корея пойтахти Сеулда бўлиб ўтган теннис буйича хотин-қизлар мусобақасидан қайтиб келди. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан 32 нафар теннисчи иштирок этди.

Ирода катта ракетканинг беш нафар ракетканинг устаси билан беллашувига тўғри келди. Япониялик Шико Хисамедзо билан дастлабки учрашувни Тулаганова 7/6, 6/3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Иккинчи учрашувда 1998 йилги Уимблдон турнирида шерик бўлиб ўйнаган словениялик Петро Рампрени 6/3, 6/4 ҳисобида ют-

Сайлов қонунлари амалда

(Давроми. Боши 1-бетда)

«Давра суҳбати»да асосий маърузалар куйидагича бўлган:

Канада вакили Рон Гульд - «Эркин ва ҳақиқий сайловлар учун халқаро стандартлар», Акмал Саидов - «Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ташкил этилиши ва тарихи», ХСТЖ вакили Жон Мартин - «Номзодларни руйхатга олиш жараёни учун халқаро стандартлар», Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Анвар Саъдуллаев - «Ўзбекистонда Парламент ва Президент сайловларида номзодларни руйхатга олиш», Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси қoшидаги илмий-методик кенгаши аъзоси, ЕХХТ-ДИИХБ эксперти Владимир Лисенко - «Сайлов кампаниясида иштирок этаётган номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг шартлар яратилиши ҳуқуқий талаблари», ХСТЖ вакили Томас Лекинжер - «Сайлов амалиёти жараёнида узао ишонч ҳолати учун ҳуқуқий асос-

масалаларни ошқора ва конструктив асосда муҳожама қилишга тайёр эканлигини аққол қуриб турибдилар. Бу Президент Каримовнинг Олий Мажлисининг август ойидаги сессиясида илгари сурган ҳамда ЕХХТ мамлакатлари ҳамжиҳатлиги томонидан ижобий баҳоланган гоъларига тула мос келади. ЕХХТнинг Бош котиби Арагона билан кейинги учрашувида Президент Исом Каримов Ўзбекистоннинг олдинда турган сайловларга тайёргарлик пайтида ЕХХТ билан фаол ҳамкорлик қилишга қизиқатганлигини тасдиқлади».

ЕХХТ-ДИИХБнинг сайлов тизими масалалари буйича маслаҳатчиси Вадим Жданович узининг таъриқ нутқида узао ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ва конструктив асосларини алоҳида таъкидлади: «Кенг миқёсда демократияга утишининг ҳозирги тарихий давларида ЕХХТнинг тамойилларига мос равишда очик ва ошқора сайловлар ўтказиш Ўзбекистон учун бағоят аҳамиятлидир».

Мақола муаллифлари дунёдаги ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг қонунчилиги,

батта, биринчи навбатда, вакиллик ҳокимиятини шакллантиришга хизмат қиладиган сайлов ҳуқуқида уз ифодасини топган.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро андозаларга таяниб яратилган қонунлар мажмуаси сайловчиларнинг эркин овоз беришини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларига айланган.

Бу ҳақда ҳам «Вестник»да ёритилган мақолада эътиборга лойик фикрлар баён этилган: «Ўзбекистонда, Россиядан фарқли ўлароқ, сайлов жараёнида ҳуқуқий бошқариш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган бўлиб, унда сайлов тизимига бағишланган мустақил бoб (XXIII-бoб, «Сайлов тизими») ҳамда алоҳида модда (117-модда) мавжуд. Унда сайлов жараёни тартибга солиш конституциявий моделнинг асосий элементлари ўз асосини топаган».

Биринчидан, бу сайловчиларнинг ҳуқуқий мақоми, дейиш мумкин. Унга биноан фуқаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлаш ва

нинг асосий белгилари:

- ҳар бир фуқарога узининг сайлов ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш, шунингдек, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади;

- фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига мажбурлаш, алдов, таҳдид ва бошқа йўллар билан ҳалақит бериш, сайлов олдиндан гаёриқонуний равишда ташвиқот олиб бoриш, шунингдек ҳужжатларни қалбақлаштириш, овозларни атайлаб нотурги санах ва бошқа сайлов қонунларига зид хатти-ҳаракатлар қонун асосида жавобгарликка олиб келади.

Қайд этиб утилган демократик меъёрлар, шунингдек, эркин овоз бериш тамойиллари, сайловларнинг ошқоралиги сайловлар турғисиди қонунларда янада ривожлантирилди.

«Ўзбекистонда бу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Сайловлар турғисиди янги қонунлар жаҳон таърихларини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилди, сайловлар жараёнини ташкил этиш соҳасиди халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва қоидаларини, хорижий мамлакатлардаги сайлов қонунчилигининг муҳим демократик меъёрларини ўзида мужассам этиб, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассисларнинг юксак баҳоларига сазовор бўлди», - дея алоҳида таъкидланган «Вестник»да ёритилган мақолада.

Сайловлар - давлатнинг шаклланиши, ҳар томонлама ривожланишидаги муҳим тарихий ҳодиса. Улар демократия куртақларини жонлантирувчи манбаларга ҳам, аксинча, улар учун кучли бурғонга ҳам айланishi мумкин.

Хорижий экспертлар сайловлар амалиётини синчковлик билан холисона таҳлил этиб, куйидаги хулосаларга келдилар: «Умуман, сунгги пайтларда Ўзбекистонда даврийлик асосида эркин ва демократик сайловлар ҳамда референдумлар ўтказиб туриш учун барқарор ва замонавий конституцион-ҳуқуқий асос яратилди. Ўзбекистонда сайлов жараёнини бошқариши ташкил этишга доир баъзи конституцион-ҳуқуқий ёндашувлар алоҳида диққатни тортади, уларни Россия Федерациясида конституцион ислохотлар ўтказиш турғисиди тақлифлар амалга оширилиши пайтида андоза қилиб олиш мумкин».

Мамлакатимиз сайлов қонунларига хорижий экспертлар томонидан берилган баҳо мазмун-моҳиятига қура жуда холисидир. Ўзбекистон Республикаси жаҳонда уз урнига, салоҳиятига эга экан, унинг биргина сайлов қонунларини хорижий экспертлар шунчалик юксак баҳолаётганини ижобий ҳoл, дейиш мумкин. Энг муҳими, ана шу қонунларимиз ҳаётида уз ифодасини топамоқда.

Шерзод ҚУДРАТХУЖАЕВ, Тўлқин ЭШБЕКОВ.



Давлат олдида турган энг муҳим масалалар аввало шу юрт фуқаролари хоҳишироқаси билан ҳал этилиши демократиянинг бир қўринишидир. Бўлажак сайловларга тайёргарлик жараёнида бунга барча ч-



кур ишонч ҳосил қилмоқда. Чортоқ туманида тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Муҳим ишга жалб этилган билимдон, ташкилотчи кишилар омма ўртасида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, бўлажак сайловлар жараёни

Савол: Хурматли таърият! Олий Мажлис депутатлигига кимлар номзод этиб руйхатга олинмайдиган?
Р.ШАРОФИДДИНОВ, Ургут тумани.

Жавоб: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов турғисиди»ги Қонуннинг 23-моддасида бу ҳақда таъриф берилган. Унга қура,
куйидагилар:
қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сунгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшамаган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сунгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирилик ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб руйхатга олинмайдилар.

Шуни ҳам айтиш кераки, ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазириликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия ор-

ганларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бушаш турғисиди ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб руйхатга олинмайдилар.

Савол: Сайловчилар участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганини эълон қилиши мумкин.

Савол: Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.

Х.ХАСАНОВ, Тошкент шаҳри.
Жавоб: Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг

миссия: овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

40-моддада таъкидланганидек, сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари буйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек, овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топиллади. Сайлов бюллетени ёки варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа тугдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баёнида акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланди ва белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баёнида акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланди ва белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

ҚОНУНЛАРИМИЗ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

лар», Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ҳалим Бобоев - «Ўзбекистон Республикасида ошқора ва очик сайлов жараёнининг механизмлари ва кафолатлари».

«Давра суҳбати» иштирокчиларининг эътирофи эътиборига, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг демократик характерга эгадир. Сайловларни ташкил қилиш борасида умумэътироф этган нормаларга ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мос келади. Сайлов жараёнининг демократик асоси - миллий хусусиятлар ва маҳаллий шартларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигини ҳамда юқоридаги анжуманининг ўтказилишини халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган хорижий экспертлар иштирок этган «Давра суҳбати» катнашчилари мақулладилар ва ижобий баҳоладилар.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Марказий Осиди билан алоқалар буйича бюроси бошлиғи жаноб Ганчо Ганчев уз мулоҳазаларини куйидагича баён этди:

«ЕХХТ иштирокчилари булган давлатлар ушбу семинар тимсолида Ўзбекистон ҳукумати сайловлар билан боғлиқ

энг аввало, миллий менталитет ва маҳаллий шарт-шароитларига мос эканлигини эътироф этиши кишида илиқ фикр уйғотади. Зотан, «Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи» мақоласида куйидаги жумлаларни уқиш мумкин:

«Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари турғисиди»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мақоми ҳамда ваколатлари алоҳида қонун билан мустақамланганлиги, сиёсий партияларнинг сайловларга иштироки шартитидаги ҳуқуқий ҳолатлари аниқлаб берилганлиги, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига Олий Мажлис (парламент) депутатлигига уз номзодларини курсатиш ҳуқуқи берилганлиги, шунингдек, миллий хусусиятларни, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб тузилган ҳамда сайлов жараёнини барча даражада уюштиришга муҳим таъсир курсата оладиган айрим меъёрий ҳужжатларнинг низоми қоидалари, сайловга тайёргарлик таъбирларида қатнашиш учун тенг ҳуқуқий ва молиявий имкониятлар яратилганлиги миллий сайлов қонунчилигидаги янги демократик жиҳатлар тарзида баҳоланади».

Юртимиз уз мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан ҳуқуқий давлат қуриш учун пойдевор яратиб бoшланган эди. Бу, ал-

сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Сайловчилар уз хоҳиши-иродасини эркин ифода этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу уринда овоз бериш ҳуқуқи, хоҳиш-иродасини ифода этиш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг ва турғидан-турғи сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сайлаш ҳуқуқига 18 ёшга тулган фуқаролар эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловларда иштирок этмайдилар. Бошқа ҳoлларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Иккинчидан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишини таъминлаш, хусусан, хоҳиш-истакни эркин ва яширин ифода этиш имкониятини таъминлаш ва сайловчиларнинг уз хоҳиш-истакларини ифода этишлари устидан назоратга йўл қўймаслик - булар сайлов жараёнини ташкил этишда иштирок этувчи органларнинг конституциявий мажбуриятларидир.

Учинчидан, куйидагилар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми-

«Ишонч» бoнг уради

ЁШЛАР НИМАДАН РАНЖИШДИ?

Жамиятимизда сайлов қонуний мақомга эга бўлиб, Конституциямизда алоҳида белгилаб қўйилган. Унда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи атрофида баён этилган. Сайловчиларнинг сиёсий фаол бўлишлари уларнинг билими, амалдаги қонунларимизни нақадар чуқур билишлари каби омилларга боғлиқдир. Айни кунларда жойларда қизгин фаоллик юритаётган сайлов округлари ва сайлов участкаларининг аҳамияти шу маънода бекибсиздир. Ҳар томонлама намунали жиҳозланган, керакли адабиётлар, ҳужжатлар билан таъминланганлари ҳаммага гавжум. Ўтказилаётган суҳбатлар, ҳуқуқшунослар, олимлар билан учрашувлар бўлажак сайловларга пухта ҳозирлик қилишда муҳим рол ўйнапти.

Бахта қарши иш ҳамма ерда бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Деҳқонобод туманида булганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи 220-Деҳқонобод сайлов округидимиз. У қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқар-

маси кўносига жойлашган экан. Кундуз соат 16 ларда у ерда бўлдик. Бирок, сайловолди тайёргарлик ишлари билан қўндиндан танишининг имкони бўлмади. Эшик тақа-тақа ёпиқ. Мустақадилар қаердалигини ҳеч қим билмайди. Ноилж мактаб биносидаги 130 «Ўзбекистон» сайлов участ-

қаси томон бурилдик. Котиб Ҳайитмамат Лалиев саросимага тушган ҳoлда бизни қарши олди. Ичкарига қадам ранжида қилганимиздан сунг бунинг сабабини аниқлади: хоналар нимқоронги, зах. Ташриф буқорадиган сайловчилар учун ҳеч қандай қулайлик яратилмаган. Участка сайлов комиссияси котибининг иқдор бўлишича, баъзи энг зарур жиҳозларни ўзлари қийинчиликлар билан келтиришибди. Таажубки, оддий чирок ҳам муаммо. Демак, оқшомлари бу ерга сайловчилар ёшлар келишмайдилар...

Синчковлик билан хоналар назардан ўтказамиз. Стол-стулар этишмайди, борлари ҳам эскирган. Телефон, радио, телевизор йўқ. Газеталарнинг тахталари ҳақида гапириш ортиқча. Фақат «Маъри-

фат»нинг май ойидаги сакитоб сони ҳамда «Деҳқонобод овози» туман газетасининг айрим сонларини на кузга ташланади. Жиҳозлар узини нуқулай сезган ҳамроҳимиз - туман сайлов комиссияси раиси Нормамат Исаев шундай деди: «Бу ерни ҳозирча сайлов участкаси дейишга, тайёргарлик ишлари хусусида гапиришга уялсан киши. Ҳокимиятдагиларга қолаверса, бошқа мутасаддиларга бу ҳақда неча бор гапирган бўлишимизга қарамасдан, ҳозирча узгартириш бўлмаяпти. Шу уринда куйидагиларни алоҳида таъкидлашни истардик: юртимизда ўтказилаётган сайловлар шунчалик сиёсий таъбир эмас. Ҳар бир киши унда фаол иштирок этиши билан навбатдаги улғувор ишларни

Навоий вилоятида Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи тўққизта, вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи эликта округларда сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бoриш мақсадига Матбуот маркази иш бошлади. Марказнинг асосий вазифаси фуқаро-

Матбуот маркази иш бошлади

ларга сайловлар, сиёсий партиялар, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мақсади ҳақида маълумотлар беришдан иборат. Сайлов борасида фуқароларнинг маълумот олишлари учун марказда барча шарт-шароитлар мавжуд.

«Туркистон-пресс»

АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗ

Газетамизда аёллар ҳуқуқи, уларга яратилган имтиёзлар турғисиди бир неча мақолалар эълон қилинишига қарамай, улاردан ҳомиладорлик, туғиш ва бола тарбияси нафақалари қай тартибда берилиши хусусида кўплаб хатлар келмоқда. Шу муносабат билан ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА бир неча саволларимизга жавоб бери.

- Амалиётда шундай ҳoллари учраши мумкин, кўп жойларда иш берувчилар аёлларни айниқса, болали ёки ҳомиладор аёлларга ишга олишни хушламайдилар. Сиз ҳуқуқшунос сифатида бундай шарт-шароитларда аёлларимизга қандай йўл тутишни маслаҳат берган бўлардингиз?

Мехнат Кодексининг 224-моддасига биноан, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилиш рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тулмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи унинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилиш рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Бундай шартларда агар иш берувчи иш ўрни була туриб, аёлни айнан унинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги учун ишга олмаган бўлса, қонунчиликда назарда тутилган модда буйича жавобгарликка тортилади.

ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган мuddат билан ҳақ туланадиган қўшимча таътил берилади. Ун икки ёшга тулмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тулмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига қура, ҳар йили 14 календар кунидан кам бўлмаган мuddат билан иш ҳақи сақланмаган ҳoлда таътил берилади.

- Ҳомиладор аёлларнинг ноқулай иш шартлари билан боғлиқ ҳoлларда уларга белгиланган имтиёзлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

- Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги уртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳoлда энгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳoли булган ишга ўтказилади. Ҳомиладор аёлга энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳoли булган иш бериш масаласи ҳал этилганга қадар, унинг ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун уртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳoлда ишдан озод этилиши лозим.

Сухбатдош: Д.АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» муҳбири.

Алломиш тўйи бу

Бойсун даралари гумбурлаб кетди. Қоялар тўшига урилди чакин. Қирлар сағринида байрам сайридир, Демак, бу юрта минг йиллик тўй яқин. Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Нигўҳлар тикилар чўққилар сари, Асқар тоғ бағрида бошларан улоқ. Алпоқомат йигитдир давра сарвари, Акс-садо беради муаззам тупроқ. Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Сурхон даштларида тўю тантана, Боботоғ лоладан тузлар гундаста. Отлар тўёғидан кўчган чанг-тўзон, Аму тўлканига кўнар оҳишта. Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Кўнғирот элининг сара лочини, Шон-шараф обрўси, гурури, тахти. Пурвиқор тоғ каби, танти ва жўмард, Алломиш-авлоднинг кўрки ва бахти. Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Мозийдан бир буюк садо келади, Ўн тўрт ботмон ёйни овози ёйиб. Етти ёшли гўдак- давра даргаси, Наъра тортиб турар дилдан қувониб. Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Олтин камар бўлиб чилвир-чилвир соч, Барчиной белига бўлганда қувват. Ҳамладан Кўкалдош қулайди ерга, Алломиш даврага кўрсатди ибрат. Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Нигўҳи тоғларни тешгудек бўлиб, Бойчибор ер тепар сулугин чайнаб, Бахшилар қулайди авжи пардада, Илҳами жўш урар вужуди кайнаб. Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

О, танти ўзбегим, асли ўзлгим, Минг йиллик тарихга танти сўзлгим. Дунё меҳварига ҳавас кўзлгим, Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Бу Ватан шундайин қадр Ватани-Дунёни лол қилган мардлар Ватани. Сор бургут сингари, ўғил-қиз бари Ватан деб гупулар томирда қони, Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Йиллар ўтаверар, асрлар ўтар, Халқим Алломишин кафтида тугар, Ватан-муқаддесан, мардингни кўтар. Улғулик, буюклик, кўзимдан ўтар, Бу асли ўзбекнинг азалий тўйи, Алломиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Хусанжон АМИН-ҲУЗОРИЙ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

«Аёл ва жамият» танловига

Мастура опа ҳақида гап кетгудек бўлса, таъниш-билишлари уни «Икки минг боланинг энагаси», деб таърифлашади.
Гап шундаки, **Урта маълумот гувоҳномасини олгани замон Мастураҳон ҳеч иккиланмай Тошкент шаҳридаги мактабгача тарбия билим юртининг сиртки бўлимига ўқигай кирди-да, уйлари яқинидаги болалар богча-яслисида шогирд-тарбиячи сифатида меҳнат фаолиятини бошлади.**

Уз касбига меҳр қуйган Мастура тез орада ота-оналар эътиборига, раҳбарлар назарига тушди. Куп ўтмай у бошқа бир богчага мудиралликка тавсия этилди. Шу орада Мастураҳон Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг мактабгача тарбия факультетини сиртдан тугаллаб, олий маълумотли ҳам бўлиб олди.

Уйлаб қараса, ўзи раҳбарлик қилаётган Мирзо Улугбек туманидаги 426-боғчада салкам 20 йил ишлаб куйибди. Бу соҳадаги умумий меҳнат фаолияти эса 42 йилдан ошди. Утган йиллар давомида 2.000 дан зиёд ўғил-қиз ундан тарбия топди.

Бугунги кунда уларнинг бири вазир, иккинчиси фан номзоди, яна бошқалари тадбиркор, таниқли спортчи ва ҳоказо. Энг муҳими, уларнинг аксарияти комил инсон, жамият таянчи бўлиб, мустакил юртимиз равнақи ва истиқболи йулида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимизнинг олдинги сафларида боришмоқда. Бундан Мастура опанинг қалби қувончга тўлади, фахрланади.

42 йил тарбиячи бўлиб ишлаш, аниқроғи, тарбиячиларга раҳбарлик қилиш, бу айтишгагина осон. Аслида унинг урдасидан чиқиб, қувонч ва ташвишларини бошдан кечириш анча мураккаб. Бунинг замирида заҳматли меҳнат, болалар дунёсини яқиндан билиш, кўл остидаги тарбиячиларга ҳам талабчан, ҳам гамхўр бўлиш,

УНГА ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

вимли маскани бўлиб қолган 426-боғча-мактаб анча кенгайиб, обод ва куркам даргоҳга айланди. Саксонинчи йилларнинг бошларида бу ерда 260 бола тарбияланган бўлса, бугунги кунда боғча-мактаб 400 ўғил-қизни уз бағрига олган.

Дарвоқе, боғча-мактаб дедик. Адашмадик. Чунки, 7 ёшли ўғил-қизлар биринчи синфини шу ерда битиришапти.

Бош тарбиячи бизнинг «Кичкинтойларнинг биринчи синфини боғчада битиришларининг қандай афзаллик томонлари бор?», деган саволимизга «Биласиз, болалар табиатан уйинқароқ бўлишади. Богчамизда дарс-машгулотлар улардаги ҳудди ана шу узига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда олиб борилади, яъни уйин билан сабоқ уйғунлиги таъмин этилади. Бундан ташқари, боғчада болалар уз вақтида уч маҳал овқатланишади ҳамда шифокорнинг доимий назоратида бўлишади. Бу эса ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга

етишида асосий омил бўлиб хизмат қилади», деб жавоб берди.

Дарҳақиқат, боғча-мактабда болаларнинг тарбияланишлари ва билим олишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Янгидан қўшимча хоналар қурилди. Спорт-хужалик мажмуи ишга туширилди. Бунда компьютер хонаси, спорт зали, мусика хонаси, сув ҳавзаси мавжуд.

Энг муҳими, бу ерда бо-

лаларга инглиз тили ва компьютердан сабоқ берилмоқда, лотин алифбоси кунт ва сабот билан ургатилаётир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз - бизнинг келажигимиз, давлатимизнинг ишончли ворислари, - дейди боғча-мактаб мудираси Мастура Мусаева, - қурилатган тадбирлар, бажарилаётган хайрли ишларнинг барчаси мустакиллигимиз шарофати бўлиб, таълим-тарбияни ислоҳ қилишнинг амалдаги натижасидир.

Боғча-мактаб бугунги кунда нафақат пойтахтимиздаги Мирзо Улугбек туманида, балки шаҳарда ҳам илғор таъриба масканларидан бирига айланган. Болалар тарбиясига оид кўпгина семинарлар, курс-маълумотлар шу ерда ўтказилмоқда. Хорижий мамлакатлардан ҳам тез-тез меҳмонлар ташриф буюришиб, узаро таъриба алмашишади. Қисқа вақт ичида Германия, Япония, Америка Қўшма Штатлари, Швейцариядан делегатлар келиб,

боғча-мактаб фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вакиллари боғча-мактаб фаолиятига юқори баҳо беришди.


Одатда, яхши устозни серҳосил дарахтга ўхшатишади. Опанинг шогирдлари ҳам талайгина. Мастура Исмоиловна куп йиллардан бери қўл остида ишлаб келаётган, болаларни қалбдан севадиган тарбиячиларнинг номларини фахрланиб тилга олади. Булар - Махфуза Миржалолова, Элнора Бусакова, Дилбар Муратова, Руфия Отақузиёва, Ўрдамчилар Ўғилжон Эгамбердиева, Ўдгор Акрамова, Холида Иминова ва бошқалардир. Улар ёш ниҳолларни камол топтиришдек хайрли, саҳоватли ишга бутун куч в таърибаларини сафарбар этиб, ота-оналар олқишига сазовор бўлишмоқда.

Таърибали тарбиячи, устоз-мураббий, халқ маорифи аълочиси Мастура Мусаева боғча-мактабга моҳирона раҳбарлик қилиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилажак сайловлар муносабати билан шу кунларда опанинг ишлари янада кўпайган. Участка сайлов комиссиясининг раиси Мастура Исмоиловна ўз фаоллари билан турли тадбирлар ўтказмоқда, бўлажак сайловларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, сайловчилар турматига сазовор бўлмоқда.

Жамиятимиз таянчи бўлган шундай аёллар ҳаммиша бор бўлишин!

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.



Юртим, сенинг тупроқларингизда Боболарим босган излар бор. Мадрасалар пештоқларида Мухрланган буюк сўзлар бор.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

НЕЪМАТНИ ҚАНДАЙ АСРАШ КЕРАК?

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун плёнка халтачалар чидамлилиги, эластиклиги, нам ўтказмаслиги жиҳатидан аҳамиятлидир. Шунинг учун бундай пакетлар туз, шакар, турли хамир маҳсулотларини асраш учун жуда қулай. Плёнка халтачаларга солинган гушт маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар совутигичда узоқ муддат бузилмасдан туради.

Шивит, кашинич, кук пивэз каби ош қуқларни ҳам халтачага солиб, совутигичнинг пастки қисмида 5-6 кунгача барра ҳолда асраш мумкин.

Аммо плёнка халтачаларда лимон, апельсин, қовун, нок, шафтоли сингари меваларни сақлаш тавсия этилмайди. Плёнка халтачаларда уларнинг сифати тез бузилади.

Шунингдек, турли ёғ маҳсулотлари, қолбасалар, қоқланган балиқни ҳам бу халтачаларда сақлаб бўлмайди.

Сут маҳсулотларидан фақатгина пишлоқни плёнка халтачада асраша бўлади.

Сўнгги йилларда Қарши шаҳри тубдан ўзгарди. Замонавий турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, ҳиёболлар шаҳар кўрғига кўрк кўшди. Яқинда эса вилоят давлат солиқ бошқармаси учун фойдаланишга топширилган замонавий бино ҳам ўзига хос услубда қурилганлиги билан ажралиб туради.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Фаройиб олам ҒАҒЛАТДА ҚОЛГАН ҲАЙДОВЧИ

Техас штатидаги шосседа йул назорати полицияси юк машинасини тўхтади. Ҳайдовчи йул қоидасини бузган эди. Ҳайдовчи тайинланган жаримани тўлади. Вокча шу билан тугаши мумкин эди. Бироқ назорат полицияси ниманидир ҳис қилгандек, бирданги машинани текширишни хоҳлаб қолди. Ҳайдовчи розилиги олинган, юк машинасини текшириш бошланди. Турли товарлар юкдан юкхондан полициячилар 11 та қўғоз кутини ажратиб олишди. Ростдан ҳам полиция сезгиси алдамаганди. Қўғоз кутилар очилганда уларда нақд 10 миллион доллар ётганлиги аён бўлди. Таҳмин қилинишича, бу маблаг гўёханд моддаларни сотиш билан шугулланувчи жиноятчиларнинг «иш ҳақи». Ҳайдовчининг сўзларига қараганда, у ўз машинасида бунча бойлик олиб кетаётганидан мутлақо беҳабар бўлган. Ким билади, агар шунча пул олиб кетаётганидан хабари бўлганда Ҳайдовчининг ўзи ҳам иссиз йўқолармиди?

Юраги бевовталанаверган она ярим тунда тўйини ташлаб уйига қайтаркан, не кўз билан курсинки, ҳовли-жойидан осмон-фалакка буруқсиб тугун уралаётган эди. Она жон ҳолатда узини ичкарига урди: бир йула уч хона деразаларидан олов ловуллаб чиқар, ичкарида ёш болаларнинг «Еняпмиз!», «Ердам!», «Бувижон, қайдасиз?!» деган нолалари эшитиларди. Бу, она юрагига ханжардек урилди-ю, остонадаёқ гандирақлаб қолди. Нима қилиш кераклиги ҳақида уйлашга ҳам қурби етмай, хушидан кетиб йикиди.

Она додлаганда бутун маҳалла оёққа турган эди. Хиёл ўтмай ўт учирувчилар етиб келишди, аёвсиз офатга кўкракни қалқон қилишди ва бошқа хоналар ҳамда қўниқўшиллар уйлари ҳам ямлаб кетишига йул қуйишмади. Она бўлиб ўтган ҳодисадан уч кун ўтгач шифохонада узига келди: —Болаларим, неварларим омонми?

Бир оила фожеаси

Юраги бевовталанаверган она ярим тунда тўйини ташлаб уйига қайтаркан, не кўз билан курсинки, ҳовли-жойидан осмон-фалакка буруқсиб тугун уралаётган эди. Она жон ҳолатда узини ичкарига урди: бир йула уч хона деразаларидан олов ловуллаб чиқар, ичкарида ёш болаларнинг «Еняпмиз!», «Ердам!», «Бувижон, қайдасиз?!» деган нолалари эшитиларди. Бу, она юрагига ханжардек урилди-ю, остонадаёқ гандирақлаб қолди. Нима қилиш кераклиги ҳақида уйлашга ҳам қурби етмай, хушидан кетиб йикиди.

ЎТ БАЛОСИ

Она соғайиб уйига қайтганда, фожияни ўз кўзи билан курди: яқиндагина не-не оруз-ҳаваслар билан яхшилаб таъмирланган хоналар урнида росмана култепа, қаққайган қопқора чор девор, жизганга чикиб эриб, чилпарчин бўлиб ётган идиш-товуқлар ёнгин оқибатидан дарак бериб турарди. У ҳовли саҳнида тулпаниб турган яқинларига кўз югуртирди, улар орасида айнан шу ёнган хоналарда яшовчи ўғли, келини, неваралари қуринмасди. Боз устига кўпчилик

қора кийиниб олган эди. Онанинг кўз олди яна қоронгулашиб, гандирақлаб, бир-икки қадам қуйдию, йикиди. Ҳовлидагилар баравар уввос кўтардилар. Одатда ёнгиндан кейин унинг келиб чиқиш сабаблари урганилади. Андижон шаҳридаги маҳаллалардан бирида бўлиб ўтган бу мудохши воқеанинг бош айбодчи қора кийиниб олган эди. Онанинг кўз олди яна қоронгулашиб, гандирақлаб, бир-икки қадам қуйдию, йикиди. Ҳовлидагилар баравар уввос кўтардилар. Одатда ёнгиндан кейин унинг келиб чиқиш сабаблари урганилади. Андижон шаҳридаги маҳаллалардан бирида бўлиб ўтган бу мудохши воқеанинг бош айбодчи қора кийиниб олган эди.

Лекин бепарволик, «ана-мана» билан вақт ўтказиш - шу иллат эгаларини жуда қаттиқ ва шафқатсиз жазолади: беш инсоннинг (бир оила тўлиғича) умри завоқ бўлди, бир неча миллион сумлик мол-мулк ва учта келинчақдек яратилган хона қуйиб қулга айланди.

Ҳозир уша муштипар онани эзилди юрган ҳолида куча-қуйда учратиб қоламиз. —Эҳтиёт бўлинг, жон болам, ғафлатда қолманг, дуч келгани тўхтаб оғохлантиради у, фалокат оёқ остида. Электрга, газга зинҳор-базинҳор бепарво бўлма. Айниқса, қишга ҳозирлик қурилатган шу кунларда, электр асбобларини созлаб қуйишни унутманг, жон болам. Ота-боболаримиз «Ўт балосидан, сув балосидан асрадеб, беҳуда дуо-илтиҳо қилмайди. Меннинг куним бошингизга тушмасин илоийим!

М.АБДУКАРИМОВ, Андижон.

Спорт оламида

натижа бразилиялик Роналдо да Костига тегишли эди. У бу курсаткича 1998 йили Берлин марафонини эришганди. Ушунда бразилиялик спортчи курсатган натижа 2 соат 6 дақиқа 5 сонияга тенг бўлган.

СПАРТАК - ЧЕМПИОН!

Россияда футбол бўйича 1999 йилги мамлакат чемпиони аниқланди. Утган ҳафта дам олиш кунлари

утқазилган миллий биринчилигинг навбатдаги учрашувларида пойтахтнинг «Динамо» жамоаси «Спартак» (Москва) жамоасини қабул қилди. Гарчи ушбу учрашувда спартакчилар галаба қозона олмаган эса, дуранга эришиб бир очкога эга бўлди. Қулга киртилган бир очко «Спартак»нинг биринчилигига икки тур қолганига қарамай, муддатдан олдин чемпион бўлишини таъминлади.

Россия чемпионида «Спартак»нинг мавқеи анча мустаҳкам. Бу йилги галаба билан спартакчилар еттинчи бор мамлакат чемпионлигини қулга киритди. Фақатгина 1995 йилда Владикавказнинг «Алания» жамоаси мамлакат чемпиони, деган номга сазовор бўлган, холос.

Мавсум давомида «Спартак»ни таъқиб қилган Москванинг «Локомотив»

жамоаси ҳам ўз майдонида асосий рақиб МХСКни 1:0 ҳисобида магълв этиб, муддатдан олдин кумуш медал соҳибига айланди.

Биринчилигинг 28-турида «Шинник» (Ярославль) жамоасининг тақдир ҳам ҳал бўлди. Владикавказда «Алания»га 1:3 ҳисобида уйини бой берган «Шинник» юқори дивизионни тарқ этиши маълум бўлиб қолди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир уринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсилмиш: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табок, Сотувида эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 21.30